



**Фотимахон АЗИЗОВА**

катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

[fotima\\_uz@mail.ru](mailto:fotima_uz@mail.ru)

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг семантик хусусиятларига оид муаммолар ҳақида сўз боради. Муаллиф инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг ўзбек ва рус олимлари томонидан тақдим этилган семантик таснифлари келтириб, уларни мисоллар билан мустаҳкамлаган. В.В.Виноградов томонидан тақдим этилган тасниф асосида кўриб чиққан. Семантик хусусиятларига кўра фразеологик бирликлар 5та гуруҳга ажратилган.

Автор изучает проблемы семантических особенностей фразеологизмов английского и узбекского языков. Приведены семантические классификации фразеологизмов английского и узбекского языков, составленные узбекскими и российскими учеными. Семантическая классификация включает пять групп фразеологизмов.

The article is about the problems of semantic classification of phraseological units. Phraseological units of English and Uzbek languages are given semantic classification done by Uzbek and Russian scientists and they are filled in with examples. On the basis of Vinogradov's classification phraseological units are presented with examples. According to the semantic classification, phraseological units are divided into 5 groups.

**Калит сўзлар:** фразеологизм, ибора, идиома, семантик хусусиятлар, тасниф, тамойил, географик номлар.

**Ключевые слова:** фразеологизм, идиома, семантические особенности, классификация, принцип, географические названия.

**Key words:** phraseologism, idiom, semantic specifics, classification, principle, geographical names.

Фразеологизмлар дунёнинг барча тилларига хос ҳодисадир. Фразеологизмлар бўйича турли тилларда тадқиқотлар амалга оширилган. Фразеологизмларнинг тил бойлигини намоён қилиши сир эмас. Фразеологизмлар моҳиятини англашга бўлган қизиқиш инглиз ва ўзбек

тилларидаги фразеологизмларни қиёслаб, уларнинг семантик хусусиятларини ўрганишга ундади. Бунда фразеологизмларнинг семантикаси бўйича олимлар томонидан айтилган фикрларга таяндик.

Ўзбек тилидаги фразеологизмлар бўйича Ш.Рахматуллаев илмий изланишлар олиб борган. Олим фразеологик бирликларни семантик жиҳатдан тасниф этиб, уларни уч турга ажратган: фразеологик бутунлик, чатишма ва қўшилма (1, Б. 8). Ш.Рахматуллаев фикрига кўра, таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ, шуларга асосланган умумлаштирувчи кўчма маъноли иборалар фразеологик бутунлик деб аталади. Масалан: *тўйдан олдин ногора қоқмоқ; ер билан осмонча...*

Демак, Ш.Рахматуллаев фикрича, иборадан англашиладиган маъно унинг таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ эмас, шулардан келиб чиқмайди ҳам. Иборанинг маъноси билан таркибидаги сўзлар маънолари орасида потенциал боғланиш ҳам йўқ. Бундай иборалар фразеологик чатишмалар деб аталади. Масалан: *оғзи қулоғида, тўнани тескари кийиб олмоқ, қўлтиғидан тарвузи тушиб кетди, хафсаласи тир бўлди.*

Ўзбек тилида иборанинг компонентларини алмаштириб бўлмаслик фақат фразеологик чатишмаларгагина хосдир.

Ш.Рахматуллаев фразеологик бирликларни семантик маъно муносабатига кўра яна бир турга – фразеологик қўшилмаларга бўлган. Компонентларидан бирининг кўчма маъносига асосланадиган ва компонентларига хос мустақил маъно марказларини сақлаб қоладиган уюшмалар фразеологик қўшилмалар деб аталади.

Масалан: *оғир йигит, боғнинг гули; гапнинг тузи; ақли бор чайнайди гапнинг тузини.*

*Ақли бор чайнайди гапнинг тузини* гапни таҳлил қилиб чиқайлик. Ушбу фразеологик бирикмадаги *туз* сўзи алоҳида олинганида гапнинг тузи уюшмасидаги маъносини англамайди, балки ошга соладиган *туз* билдиради. Чунки *гапнинг тузи* уюшмасидан ҳосил бўладиган *қаймоғи, мағзи* каби маънолар бевосита туз сўзининг ёлғиз ўзига эмас, балки шу уюшма таркибидаги ҳар икки сўзга боғлиқдир.

Бир сўзнинг тўғри ва кўчма маънолари кўпинча унинг бошқа-бошқа сўзлар билан бирикиб келиши натижасида реаллашади. Масалан:

тўғри маънолар учун мисол: *уйнинг эшиги, нордон-нордон мевалар.*

кўчма маъно: *бахт эшиги, нордон-нордон гаплар.*

Фразеологияга тегишли тадқиқотларни бошлаб берган Ш. Балли овчиларидан бири бўлиб ҳисобланади, у биринчи бўлиб сўз бирикмаларини системалаштирганлиги ҳақида ўзининг «Француз тили стилистикаси» китобида

ёзади. Ш.Балли ўз тадқиқотларида сўз бирикмаларини семантик таснифини тўрт турга ажратиб тақдим этган, булар: эркин сўз бирикмалари, оддий сўз бирикмалари, фразеологик қатор, фразеологик бирликлар. Семантик муносабатларни Н. М. Шанский фразеологизмнинг умумий маъноси орасида мавжуд бўлган ўзаро боғланишлар ва унинг компонентлари «хусусий» маънолари деб тушунтиради.

Н. Шанский В. Виноградов таснифи асосида ишлаб чиққан тўрт гуруҳдан иборат фразеологик бирликларни семантик кўшилганлик нуқтаи назаридан тўрт гуруҳга бўлган: барқарор сўз бирикмалари (идиомалар), фразеологик бирликлар, фразеологик бирикмалар, фразеологик иборалар (2, Б. 56 – 62). Н.С.Валгина ҳам фразеологизмларни семантик жиҳатдан тўрт гуруҳга (барқарор сўз бирикмалари (идиомалар), фразеологик бирликлар, фразеологик бирикмалар, фразеологик иборалар) бўлган бўлса, (3, Б. 32 – 35) академик В.В.Виноградов фразеологизмлар компонентларининг кўчма маъноси даражасига қараб, қуйидагича уч гуруҳга ажратади: барқарор сўз бирикмалари (идиомалар), фразеологик бирликлар ва фразеологик бирикмалар (4, Б. 140-161).

А.Кунин В.Виноградовнинг семантик таснифини инглиз тилига мослаштириб, фразеологизмларни семантик хусусиятларига кўра уч турга бўлган: барқарор сўз бирикмалари (идиомалар), фразеологик бирлик, фразеологик бирикма (5, Б. 122 – 123).

Ў. Юсупов фикрига кўра, аввал эквивалентга эга бўлган ва эга бўлмаган фразеологик бирликлар аниқлаб олинади. Таниқли олим уларни семантикаси, образлилик (метафорик); қайта тушуниб етганлик; компонентларнинг сонига кўра; компонентларнинг жойлашиш тартибига кўра; синтактик муносабатларига кўра; компонентларнинг морфологик ясалишига кўра; сўз туркумларига кўра; сўз-компонентларнинг мавзу жиҳатдан алоқадорлигига кўра; валентлик; вариативлик; частоталик; қиёсланаётган фразеологик бирликларнинг бошқа бирликлар билан синонимик ва антонимик алоқаларига кўра” каби турларга ажратган (6,Бс. 66-67).Д. Розенталь фразеологизмларни икки гуруҳга бўлиб кўрсатган: 1) эркин фразеологизмлар – ҳар бир сўз ўзининг маъносини сақлаб қолади ва алоҳида гап бўлаги синтактик функциясини бажаради; 2) эркин бўлмаган фразеологизмлар – синтактик жиҳатдан бирбутун маънога эга бўлган иборалар (7, Б. 29).

Н.Шанский, Н. Валгина, В. Виноградов, Ш.Раҳматуллаев, Д. Розенталь ва А.Кунин таснифларидан маълумки, ҳар бир олим фразеологизмларни ўзича талқин этган, тушунган ва гуруҳлаган.

А.В.Кунин тақдим этган таснифни ёқлаган ҳолда фразеологик бирликларни мисоллар ёрдамида гуруҳларга ажратдик ва уларни таҳлил қилдик.

1. Барқарор сўз бирикмалари, идиомалар – улар умуман бўлинмайдиган, ажралмайдиган турғун бирикмалар, уларнинг умумий маъноси таркибидаги сўзлар маъноларига боғлиқ эмас. Мисолларга мурожаат қиламиз:

To kick the bucket – жон бермоқ;

To be all thumbs – кўпол, бесўнақай одам;

The real McCoy – олмосдек қадрли нарса;

Grin like a Cheshire cat – оғзи қулоғида (оғзининг таноби қочди).

Барқарор сўз бирикмалари маъноси компонентларининг кўчма маънолари асосида келиб чиқади. Жумладан, барқарор сўз бирикмаларининг тарихийлигида идиомаларнинг образлилиги мавжуд.

2. Фразеологик бирликлар – умумий кўчма маънога эга бўлган ҳолда компонентларининг маъно муносабатига кўра ажралмаслигини сақлаб қолади:

To paint the devil blacker than he is – ваҳиманинг кўзи катта.

Фразеологик бирликларни тушуниш учун уларнинг компонентларини кўчма маънода қабул қилиш керак. Масалан, қуйидаги иборанинг маъноси: *take a mountain out of a molehill* – туядан фил ясамоқ, ниманидир жуда бўрттириб гапирмоқ (айнан: кўрсичқон уясидан тоғ ясамоқ), бунда *molehill* сўзи «жуда кичкина нимадир» деб, *mountain* сўзи – «жуда катта нимадир» деб тушунилсагина маъно очилади. В. Телия фразеологик бирликлар ўртасидаги боғлиқликлар мотивациялашган, уларда метафоризация аниқ сезилади, деб ёзганида, айнан шу каби ҳодисаларни назарда тутган эди (8, Б. 50).

3. Фразеологик бирикмалар – турғун бирикмалар бўлиб, уларнинг таркибига эркин ҳамда фразеологик боғланган маънолари бор сўзлар киради:

A bosom friend – қадрли дўст;

Black frost – қорсиз совуқ;

As red as a turkey-cock – хўрознинг тожисидек қизил;

The blue blanket – мовий осмон;

As bold as a lion – шердек жасур;

As obstinate as a mule – эшакдек қайсар.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Университетлар ва педагогика институтларининг студентлари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.

2. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. Учеб. пособие для ВУЗов по специальности «Русский язык и литература». – Москва: Высш. шк., 1985.

3. Валгина Н.С., Розенталь Д.Э. Фомина М.И. Современный русский язык. Учебник для филологических специальных вузов. – Москва: Логос, 2002.

4. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке // Избранные труды. Лексикология и лексикография. – Москва: Наука, 1977.

- 
5. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – Москва: Высшая школа, 1996.
  6. Юсупов Ё.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Тошкент: Фан, 2007.
  7. Розенталь Д.Э. Кохтев Н.Н. Русская фразеология. Учебное пособие русский язык. – Москва: Русский язык, 1986.
  8. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурный аспекты. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 1996.